# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ



Дам олиш сонида:

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 120 (9.312) 1999 йил 15 октябрь, жума ◆ Сотувда эркин нархда

*Сайловлар олдидан*

## ҚУРУЛТОЙ ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Республика Миллий тикланиш демократик партиясининг иккинчи қурултойи якунларига бағишланган матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Партия Марказий Кенгаши раиси Иброҳим Ғафуров партия олдида турган муҳим вазифалар ва унинг сайловолди Дастури тўғрисида батафсил маълумот берди.

Матбуот конференциясида таъкидландики, ўн минг нафар аъзога эга бўлган партия Кенгаши Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига муқобиллик асосида Иброҳим Ғафуров номзодини кўрсатишга қарор қилган эди. Лекин партия Президентлик номзоди учун «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонунда белгиланганидек, сайловчиларнинг қўллаб-қувватловчи имзоларини (125 минг сайловчи имзоси) тўплашга муваффақ бўлмади. Бу ҳақда қурултойга ахборот берилди.

Шу сабабли Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси қурултойи Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Ислом Каримов номзодини қўллаб-қувватлаш тўғрисида қарор қабул қилди.

Шунингдек, Иброҳим Ғафуров журналистларнинг сайловларга тайёргарлик жараёни билан боғлиқ саволларига жавоб қайтарди. Қурултойда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Миллий тикланиш демократик партиясидан кўрсатилган номзодлар рўйхати тасдиқланганини ҳам маълум қилди.

**(ЎзА).**

*Тошкент шаҳар ҳокимлигида*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИНИ ТАЪСИС ЭТИШ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИНИ БАЖАРИШ ТЎҒРИСИДА

***Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармонини бажариш, аёлни муқаддас билиш, унга алоҳида эҳтиром кўрсатиш, озод ва обод юртимиз келажаги бўлган ҳар томонлама етук ёшларни тарбиялашдаги беқиёс ўрнини яна бир бор эътироф этиш, баркамол, оқила хотин-қизлар авлодини вояга етказиш, улар орасидаги иқтидорли ёшларнинг адабиёт, санъат, фан ва маданиятни ривожлантиришдаги ютуқлари, тенгдошларининг миллий истиқлол ғояларига ва маданий-маънавий қадриятларга эътиқодининг юксалиши йўлидаги ибратли фаолияти, кенг кўламли ислоҳотларни жадаллаштиришдаги фаол иштирокини рағбатлантириш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармонини бажариш тўғрисида қарор қабул қилди.***

Қарорга мувофиқ Зулфия номидаги Давлат мукофотини кенг тарғиб этиш, номзодларни танлаш ва тегишли ташкилий ишларни амалга ошириш мақсадида Тошкент шаҳар комиссиясининг таркиби тасдиқланди.

Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси зиммасига тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда Зулфия номидаги Давлат мукофоти талаблари даражасида амалга оширилидиган тадбирлар Дастурини ишлаб чиқиш топширилди.

Тошкент шаҳар ва туман хотин-қизлар қўмиталари, туман ҳокимликлари, халқ таълими, ўрта махсус касб-ҳунар бошқармалари, шаҳар «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, «Олтин мерос», «Камолот», «Наврўз» жамғармалари, ижодий уюшмалар, мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртларида аъло ҳулқи, зукколиги, донолиги, ташаббускорлиги, ўқишдаги муваффақиятлари билан алоҳида истеъдодини намоён қилиб таълим олаётган, истиқлол ғояларини амалга ошириш йўлида астойдил меҳнат қилаётган иқтидорли қизлар номзодларини Низомга биноан Зулфия номидаги Давлат мукофотига тавсия этишлари керак.

Низомга биноан Зулфия номидаги Давлат мукофоти энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баробари миқдорида тайинланганлиги ҳамда Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибалари бўлган мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари танлаган йўналишлари бўйича олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларисиз қабул қилиниши маълум учун қабул қилинди.

*ЮРТИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ*




## НАФОСАТ СЕҲРИ

***Беғубор қалбга нафосат туйғусини сингдиришда аввало мураббийларнинг ўрниниҳоятда каттадир. Бинобарин, ўқитувчи ўзининг ҳар бир дарсига пухта тайёргарлик билан келиши, кеча дарсда айтган гапини бугун қайтармаслиги, унинг ҳар бир сўзи ва ҳаракатларига диққат билан разм солиб, эшитиб турган болалар қалбига нафосат сирларини сингдириши керак.***

Шу жиҳатдан олганда пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 63-мактабда тасвирий санъат ва чизмачиликдан сабоқ берувчи Комил Мансуровнинг дарсда ўтадиган ҳар бир машғулоти ўзига хос, қайтарилмаслиги билан ажралиб туради. У ўз дарсида мунтазам равишда тасвирий санъат ва чизмачиликнинг ҳамма ҳам дарров илғаб ола билмайдиган жиҳатларини болаларга меҳр билан гапириб беради, камалакнинг еттита жилоси қандай товланиши ҳақида мароқ билан сўзлайди, дарсдан сўнг эса мактабда бир неча йиллардан бери фаолият кўрсатаётган ёғоч ўймакорлиги тўгарагида болаларга ўймакорлик сирларини ўргатади.

Комил Мансуров тасвирий санъат ва чизмачилик дарсларида доимо болалар қалбини нафосат оламига билан сеҳрлаб олади. Бундан ташқари унинг Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти ва турли-туман анжуманларда ўқиган маърузалари ҳам унинг тингловчиларида катта таассурот қолдиради. Ўзининг 20 йиллик муаллимлик фаолияти давомида ундан дастлабки нафосат сабоғини олган ўқувчилар Тошкент Давлат педагогика университети, Тошкент Давлат санъат институти, Тошкент Давлат маданият институтининг тасвирий санъат ва чизмачилика ихтисослашган факультетларида санъатнинг нозик сирларини ўрганишди.

— Болалар қалбига нафис санъат сирларини жо қилиш кишидан катта масъулият ва маҳорат талаб қилади, — дейди Комил Мансуров. — Шу боисдан мен ўзимнинг ҳар бир дарсларимга пухта тайёргарлик кўраман. Токи болалар ўтилган дарслардан асло зерикиб ва толиқиб қолишмасин, балки улар санъатнинг нозик сирларига маҳлиё бўлишсин...

Ҳа, ана шундай эзгу мақсад йўлида фидойи меҳнат қилаётган олий тоифали ўқитувчи, халқ таълими аълочиси Комил Мансуровнинг ёшларни тарбиялашдаги ва билим беришдаги фидокорона меҳнатлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. Яқинда унга Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси деган фахрий унвон берилди. Ана шу юксак мукофотга жавобан Комил Мансуров ўзининг бутун билим ва тажрибасини ёшларга сидқидиллик билан ўргатишда изчил давом этмоқда.

**Хондамир СОЛИҲОВ.**

***СУРАТДА: Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси Комил Мансуров дарс пайтида.***

***Равиль Альбеков олган сурат.***

*Туҳфа*

## ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ МАДҲИ

***Ўзбек халқининг миллий қаҳрамони, ватанпарвар, жасур ва мард курашчи Жалолиддин Мангубердининг шарафли номи тарихда ҳеч қачон унутилмайди.***

Ана шу улуғ сиймо таваллудининг 800 йиллигини муносиб нишонлаш учун мамлакатимизда катта тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Шу қутлуғ санага бағишлаб Жалолиддин Мангуберди ҳаёти, жасорати ҳақида ҳикоя қилувчи қатор китоблар ҳам босмага тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг «Фан» нашриётида чоп этилаётган тўпламлар ҳам эътиборни ўзига тортади.

— «Жалолиддин Мангуберди» деб номланган мақолалар тўплами ҳам юбилей нашрлари сифатида чоп этилди, — дейди нашриёт директори Наримон Ҳотамов. — Ундан миллий қаҳрамоннинг ажойиб фазилатларини мадҳ этувчи ўндан ортиқ мақола ўрин олди.

Олимлардан О. Бўриев ва Н. Тошевларнинг «Жалолиддин Мангуберди» деб номланган рисоласи ҳам босмага берилди. Маҳмуд Ҳасаний ўзбек халқи мард ўғлонининг жасоратга бой ҳаёт йўли билан яқиндан танишиб, «Мирхонднинг «Равзат ус-сафо» асарида Жалолиддин Мангуберди зикри» деган китоб ёзди. Нашриёт бу асарни ҳам ўз ўқувчиларига тақдим этиш арафасида турибди.

Мазкур сана муносабати билан «Жалолиддин Мангубердининг дунё тарихида тутган ўрни» деган мавзуда халқаро конференция ўтказиш ҳам режалаштирилди. Ана шу нуфузли йирик анжуман материаллари алоҳида тўплам ҳолида чоп этилади. «Фан» нашриёти бу вазифани ҳам ўз зиммасига олди. Мазкур нашр ўзбек, рус ва инглиз тилларида кўп нусхада босиб чиқарилади.

**Анвар ВАЛИЕВ.**

## МИЛЛИЙ ОДАТ ВА ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ

*Мозий*

# «АВЕСТО»ДА ТОҒЛАР МАДҲИ

***Заминимизни тоғлар мамлакати десак муболаға бўлмайди. Аммо биз ҳеч аҳамият бермай шунчаки «тоғ» экан-да, деб қўйгамиз. Лекин аждодларимиз бу ҳаёт неъматига ниҳоятда катта аҳамият бериб, уни улуғлаганлар, мадҳиялар битиб шарафлаганлар, тоғлардаги мўъжизавий жиҳатларни кашф этиб, илоҳийлаштирганлар.***



Ҳуварно «Авесто»нинг ўн тўққизинчи қасидаси ҳисобланиб — замин маъбудасидир (маъноси илоҳий маъно). Мазкур қасидада асосан тоғлар ҳақида мадҳиялар ўрин олган. Демак, Ҳуварно дейилганда тоғлар илоҳини мадҳ этиш билан бошланади.

«Мазда (Олий илоҳ) бунёд айлаган Уишдарна тоғларига, Мазда бунёд айлаган қавайлик саховатпеша Ҳуварнога, Мазда инъом айлаган кўл етмас Ҳуварнога шодликлар, дуою олқишлар, шону шарафлар бўлсин».

Қасиданинг биринчи сатрларидан бошлаб тоғлар илоҳининг сифатлари таърифланиб, унга ҳамду санолар битилган. Булар бежиз эмас, чунки тоғлар ҳавони тозалайди, иқлимни мўътадиллаштиради, сувнинг манбаси ҳам удир. Яна қанчалаб бойликлари борки, буларнинг тоғларнинг пайдо бўлиши ҳақида гап кетаяпти.

*«Дастлаб тоғлар қад кўтарди,*
*Спитома — Зардуший,*
*Улуғвор Ҳарати юксалди*
*Бу замин узра.*
*Кунчиқардан кунботаргача*
*Мавжуд барча мамлакатларни*
*Ўраб турувчи*
*Иккиламчи Зардаза (маъноси «ишқий») тоғи*
*Бош кўтарди замин устида,*
*Манума (инсоний)нинг нарғи ёғидан.*
*Кунчиқардан Кунботарга*
*Мавжуд барча мамлакатларни*
*қуршаб турувчи».*

Илоҳий китобни варақлар экансиз, заминимиздаги осмонўпар тоғларимиз хаёлдан ўтабошлайди.

«Кунчиқардан кунботаргача» ёйилиб кетган салобатли мўъжизаларнинг тасвиридан дилинг яйрайди, ўтмишдошларимизнинг топқирлигидан кўнглинг жойига тушади. Бунинг устига тоғларга қўйилган номлар ҳам маълум маънони англатади. Умуман, «Авесто»даги ҳар бир сатр мақсадли, ҳеч ҳам ортиқчаликка йўл қўйилмаган. Мана, навбат тоғлар илоҳининг томонларини мадҳ этишга келди, эътибор беринг:

*«Ҳуварноси Аҳура Мазданинг,*
*Ким яратди борлиқ-оламни.*
*Кўп эзгули, кўп олижаноб,*
*Кўп гўзалдир, гўзалдир жуда,*
*Тимсоли-да унинг ранг-баранг,*
*Кўп фойдали манфаатлидир,*
*Мунаввардир, ғоят ёруғдир.*
*Ҳаёт сари элтадир Бунёд.*
*Бўлган жамий мавжудотни у,*
*Завол бўлмас, сўлмас, кул бўлмас,*
*Сўнмас, сира бесамар бўлмас,*
*Абадий умр сургувчи,*
*Мангу яшнагувчи, униб-ўсгувчи*
*Ўз-ўзига ҳокими мутлоқ.*
*Майитлардан тириладир у,*
*Қайтиб келар барҳаёт, боқий,*
*Завол билмас халоскордир, у!*
*Осудалик, тинчлик элчиси».*

Юқоридагиларни қайта-қайта ўқиб, аждодларимизнинг синчковлигидан лол қолдик. Хоҳлайсизми, йўқми, беихтиёр кўз ўнгимиздан залварли, салобатли ястаниб ётган тоғларимиз ўтаверади. Ҳа, ушбу азим борлиқни бунёдкори, ижодкори Яратганнинг ўзидир. Тангримизнинг одамзотга берган жуда кўп инъомларидан биридир. Шу жойда Қуръони Каримдаги нақл сурасининг 18-ояти хаёлимдан ўтди. «Агар Оллоҳнинг неъматларини санасангизлар саноғига ета олмайсизлар. Албатта Оллоҳ мағфиратли, меҳрибондир!» Шундай, буни билиш, англаш ҳам шарофатлидир.

*«Кўп эзгули, кўп олижаноб,*
*Кўп гўзалдир, гўзалдир жуда».*

Ҳа, соддагина жумлалар, одмигина сўзлар бирлиги, аммо маъно сероб, мазмун мўл. Ўзимча тоғларнинг «эзгули», «олийжаноб» томонларини санашга ҳаракат қилдим, эҳ, афсус, ярим йўлда қолиб кетдим, дарҳақиқат шундай, тоғларнинг ҳамма яхши томонларини санаш амри маҳол экан. Ёки «кўп гўзалдир»нинг ўзи етмайдими? Ҳамма нарса аён-ку, «кўп» кўпликни билдирадику, бариси деганни англатади-ку, йўқ, азизлар, аждодларимиз мутлақо ҳақ. «Кўп гўзалдир»ни «гўзалдир жуда» тўлдирибди, бойитибди, сиз, биз кутмаган ўхшатишларни топиб қойил қолдирибди. Ноёб истеъдоднинг маҳсули, бетакрор иқтидорнинг мевасидир бу. Ҳажми жиҳатдан ҳам тенги йўқ мазкур мажмуанинг ҳар сатридан маъно томади, мазмуни ҳам ғиж-ғиж, сизни ўйга толдиради. Асар муаллифининг етуклигидан, ҳар томонлама мукаммаллигидан далолатдир. Кейинги мисралар ҳам диққатга сазовор. Мана, диққат қилинг.

*«Тимсоли-да унинг ранг-баранг,*
*Кўп фойдали манфаатлидир,*
*Мунаввардир, ғоят ёруғдир».*

Ана кўрдингизми, ҳатто унинг «Тимсоли ҳам ранг-баранг»дир. «Кўп фойдали»ни ўзи ҳам етарлику, йўқ, уни «манфаатлилик» янаям тўлдираяпти, бойитаяпти, ёки кейинги жумлага эътибор беринг «мунаввар» сўзи энг ёруғ, энг тиниқ деган маънони англатади, йўқ, улар ана шу сўзни янаям сайқаллаб, жило бериб, «ғоят ёруғдир», деб безаган.

*«Ҳаёт сари элтадир бунёд*
*Бўлган жамий мавжудотни у...»*

Ҳа, азизлар! Тоғлар ҳаётнинг бунёдкори, ҳамма мавжудотларнинг тириклигининг сабабчисидир, яна қанчалаб сифатлари борки, уларнинг ҳаммасини санаш амри маҳол.

*«Завол билмас, сўлмас, кул бўлмас,*
*Сўнмас сира бесамар бўлмас.*
*Абадий умр сургувчи,*
*Мангу яшнагувчи, униб-ўсгувчи...*

Ана, сизга ҳурматли ўқувчи, тоғларнинг таърифи, қайси томондан баҳо берманг «Авесто» ҳақ бўлиб чиқаверади, бу ерда ҳеч қанақа муболаға йўқ, ортиқчалик ҳам сезилмайди. Нақадар ўринли баҳо, бетакрор таърифдир. Кейинги мисраларда ҳам ҳаётий неъматнинг қирралари манаман деб турибди. Таърифлар биллурдек яркирайди, олмосдек ўткир, қуёшдек тафтлидир.

Навбатдаги иқтибосимизда яна бир янги томони қаламга олиниб тоғлар илоҳининг бошқа жиҳатлари тараннум этилган.

*«Саховатли Илоҳ ул зотга*
*Ҳамроҳ бўлар — бойликлар берар,*
*Яйловларни инъом этадур,*
*Инъом этар жонликларни ҳам*
*Насиб қилар унга ҳар кунлик*
*Музаффарият,*
*Куч-қудрат билан*
*Яшагувчи олис замонлар*
*Мағлуб қилар Ғалаба билан*
*У ўзининг ғанимларини*
*Сиғинаман бахт-шодлик ҳаққи,*
*Бор овозда дуо қиламан.*
*Ибодатлар келтирадирман*
*Кўл етмас ул Ҳуварнога мен.*
*Ҳаомо (илоҳий ичимлик)нинг*
*шарбати билан*
*эъзозлайдирмиз.*
*Етиб бўлмас ҳамда илоҳий*
*Ҳуварнони биз илоҳий ва кўл*
*етмас эъзозлаймиз...»*

Ҳа, илоҳий китобда тоғларнинг яна бир жиҳати буй кўрсатибди. Ўқиб фақат лол қоласан, ҳа, шундай-ку, деб маъқуллайсан. Эҳ аввал нима учун аҳамият бермаган эканмиз, деб афсусланамиз. Дарҳақиқат, «Авесто»нинг улуғлиги ҳам шунда, буюклигидан далолатдир.

Илоҳий мажмуадан яна бир шингил:

*«Эъзозлаймиз кўл етмас, юксак,*
*илоҳий Ҳуварнони, —*
*Ҳаммадан-да шони-шавкатли,*
*Ҳаммадан-да сарбаланд, мумтоз,*
*Ҳаммадан-да суюмли, ботир,*
*Ҳаммадан-да чаққон ва эпчил,*
*Мавжуд борлиқ ичра ягона».*

Ҳамду санолар ўринли, мақтовлар жойида, чунки тоғлар шундай шарафлашга лойиқ, улуғлашга арзийди. Тоғлар инсониятга беназир хизмат қилаяпти. «Авесто»да куйланаётган тоғлар бегона эмас — бизларнинг ўзимизникидир. Қанчалик фахрлансак-да оз, ғурурлансакда камдир. Бунинг устига тоғлар «Авесто»да шунчалик азизланаяптики, бу ҳолат бугунги кун талабларига тўла мос келади.

Аждодларимиз уч минг йил бурун тоғларни эъзозлаб мадҳиялар битган, уни авайлаб, асрашликни зикр этганлар, тоғларга сажда қилиб, уни тавоб қилганлар. Умуман, «Авесто»нинг ҳар бир сатри ҳикмат, бошидан охиригача ибратномадир. Илоҳий мажмуанинг тиниқ нурлари авлодларининг йўлларини равшанлаштириб, мунавварлаштираверади.

**Мусоқул УСМОНОВ,**
**профессор.**

---

*Яхшилар ёди*

# ҲАР ҚАНЧА АРДОҚЛАСАК ОЗ

***Дўконларга чиққанидан икки ҳафта ўтмай сотилиб тамом бўлган «Ўзбек шоиралари» китобининг муаллифи, адабиётшунос Тўхтасин Жалолов 1960 йили касалхонада ётганида Самар Бонунинг ижоди намуналари топилгани ҳақида Ўш шаҳридан хат келди. У кишининг илтимоси билан Ўшга мен борган эдим. Намуналар — «Райҳон» ва «Қизлар» радифли ғазаллар — Бонунинг жияни Разиддин Мақсумда экан.***

Эшитишимча, Разиддин Мақсум ака эски адабиётимизни яхши биладиган зукко одамлар. Шунинг учун бирон мактабми ёхуд кутубхонадан топарман деб ўйласам, у киши шаҳарга туташ жамоа хўжалигининг чегара жойидаги мўъжазгина дўконда темирчи эканлар. Тирикчилиги бошқа касб-коридан ўтиб, адабиёт маънавий ҳаловати учунгина хизмат қилган ажойиб одамларни илгари камдан-кам учратганим учун, салом-аликнинг ўзидаёқ у кишига ҳурматим бениҳоя ортиб кетди.

Мақсадимни айтдим, Разиддин Мақсум ака дўконни ёпиб, уйларига олиб бордилар. У ерда яна бир ҳайратомуз воқеа гувоҳи бўлдим. Биз ҳовли ўртасидаги салқин супада ўтирардик. Рўпарамиздаги ошхона парда тортиб тўсилган. Суҳбатимиз орасида гоҳо кеннойимиз парда ортидан чақирадилар. Мақсум ака: «Лаббай, жоним» деб жавоб қилиб, ошхонада тайёрлаб қўйилган таомни ёки янги дамланган чойни олиб келадилар. Суҳбатимиз охиригача бир неча марта шундай бўлди. Меҳмондорчиликдан кейин Тўхтасин акага аталган ғазалларни қўлимга бериб, «домлага салом» айтишимни илтимос қилдилар. Фотиҳа олдидан:

— Яна бир нарсани сўрамоқчи эдим, — дедим.

— Биламан, — дедилар Мақсум ака. — Бошқалар ҳузурида аёл кишига, айниқса ўзининг аёлига мулойим муомала қилиш, уни бошига кўтариб ҳурматлаш биз, ўзбекларда одат эмас, ҳатто ноқулай. Нега? Сиз бунга риоя қилмайсиз, демоқчисиз. Тўғрими?

— Тўғри. Беадаблик бўлса, узр.

— Ҳеч қандай беадаблик эмас. Сўраб яхши қилдингиз. Деярли ҳамма биродарларимиз ўзгалар олдида аёлига ҳурмат билдиришни эп билишмайди. Хотинига мутеъ экан, деб ўйлашади, деган андишага боришади. Кўпчилик шундай деб ўйлайди ҳам. Лекин бундай ўйлаш мутлақо асоссиз. Аслида, эркак киши аёлини бошига қўйиб юрса арзийди. Эр аёлини ҳар қанча ардоқласа оз.

Разиддин Мақсум ака менга бир разм солиб қўйдилар. Эътибор билан тинглаётганимдан қаноат ҳосил қилдилар шекилли, давом этдилар:

— Айтайлик, иморатингизга ром керак бўлиб қолди. Нима қиласиз? Дурадгорга борасиз. Илтимос қиласиз. У маъқул топса, рози бўлади. Раҳматлар айтиб, дурадгорнинг кўнглидагидек тахталарни олиб бориб берасиз. Бир ҳафтага қолмай, буюртмангиз тайёр бўлади. Минг бор раҳматлар айтиб, қанчадан-қанча пул тўлаб, олиб келасиз. Аёлингиз эса берганингиз биттагина томчидан тўққиз ой деганда Сизга фарзанд совға қилади. Бир ҳафта қаёқдаю тўққиз ой қаёқда? Дурадгорнинг бир ҳафталик ишига пул ҳам тўлаб, минг букилиб раҳматлар ҳам айтган одам, ўзини кўп нарсалардан тийиб «буюртмангиз»га тўққиз ой сарфлаган аёлингизни кўпчилик олдида, ошкора ардоқласангиз нима қилибди? Шунинг учун бошқалар олдида ҳам кеннойингизга «лаббай, жоним» деб жавоб бераман, уни ҳурмат қилишдан тортинмайман.

Мақсум ака билан кўп соатли суҳбатимиз ана шундай ибратли якунланди. Фотиҳадан кейин ғазаллар учун ҳам, суҳбатлари учун ҳам ташаккур билдириб, Разиддин Мақсум ака билан хайрлашдим.

**Эркин ЖАББОРОВ.**

